

---

## МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИ МУСТАҲҚАМЛАНЯПТИ

Ободонлаштириш бошқармаси тумандаги энг катта армияга эга жамоа саналади. 150 нафар ишчи-ходимларни атрофига бириктирган бошқарманинг моддий-техника базаси йилдан-йилга мустаҳкамлини борапти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самаодорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги қарорига асосан ўтган йили тўртта махсус техникалар сотиб олинганди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоят маҳаллий бюджетидан „Исуси“ юк машинаси сотиб олинди. Шунингдек бошқарма бюджетдан ташқари, хизмат кўрсатиш орқали топган маблағи ҳисобига „Лочин“ мотореллори ҳамда майса ўриш механизми сотиб олинди.

Туман ҳоқими Дилшоджон Джалилов бошчилигида сектор раҳбарлари техникаларни эгаларига тантанали топширдилар. --Бу техникаларни ободонлаштириш ишларида мақсадли ишлатиш ва кўз қорачиғидек асраш зарур,- деди туман ҳоқими.

Яқин-яқингача „комхоз“нинг ҳамма жойидан мой томиб, тутаб юрадиган иккита трактори бўларди. Замонлар ўзгарди. Мана бугун топширилган машина билан ободонлаштириш бошқармасидаги махсус техникалар сони саккизта бўлди.

Ёзёвон тумани ҳоқимлиги ахборот хизмати.

2022-04-25 18:22:41